



Япон боғи — халқларимиз дўстлиги рамзи

Пойтахтимиз Тошкент ўзининг бетакрор гўзаллиги, миллий ва замонавий анъаналарни ўзида мужассам этган меъморий обидалари, майдон ва серфайз хиёбонлари билан барчани бирдек мафтун этаётир. Тошкентнинг диққатга сазовор масканларидан бири Япон боғидир.

Мамлакатимиз пойтахтида 2001 йили очилган ушбу боғ тошкентликлар ва меҳмонларнинг сеvimли масканларидан бирига айланган. Япон халқининг миллий қадриятлари ва маданиятини ўзида мужассам этган ушбу боғ Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда бунёд этилган. Япон боғидаги улкан қўл ва унда сузиб юрган оппоқ ўрдаклар кишига сокинлик ва хотиржамлик бахш этади. Айниқса, японияликлар учун муқаддас ҳисобланган сакура дарахти боққа ўзгача чирой бағишлаб турибди.

Боғни айланар экансиз, кўзимиз беихтиёр безатилган тошларга тушади. Япон боғини безатишда асосан ранг-баранг, турли ҳажмдаги тошлардан фойдаланилгани бежиз эмас.

Зотан, японларнинг таърифича, айнан тошлар мозийдан дарак бериб, абадийлик ҳиссини уйғотади.

Боғ марказида японларнинг миллий қадрияти ҳисобланмиш чой маросимларини ўтказиш учун махсус уй ҳам қурилган. Бир сўз билан айтганда, Япон боғи ўзида японияликларнинг бой маданияти, яратувчанлик салоҳияти ва меъморчилик анъаналарини намоён этади.

Ўзбекистон ва Япония халқларининг мустақкам дўстлик ришталари тимсоли бўлмиш ушбу боғ бугунги кунда турмуш оstonасига қадам қўяётган ёш келин-куёвлар учун ҳам гўзал сайлгоҳга айланган. Бу ерда, шунингдек, турли маданий тадбирлар ҳам ўтказилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.



ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Мақсад ва интилишлар, ташаббуслар

қўллаб-қувватланиши зарур



ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

Мурожаатлар ҳар хил

хулоса эса битта: муаммо бор экан, демак унинг ечимини топиш лозим



■ Аввал хабар қилганимиздек, ўтган ҳафта ЎзХДП Марказий Кенгаши билан Марказий банк ҳамкорликда «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш имкониятлари» мавзусидаги иқтисодий ўқув-семинар ташкил этилди. Қўлрай туман ҳокимлиги биносиди бўлиб ўтган тадбир давомида кўчма Жамоатчилик қабули ҳам ташкил этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракция аъзолари фуқароларни қабул қилишди.

— Мен Қўлрай туманидаги вилоят иқтисошлар ташкил қилинган болалар уйи директорини, — дейди партия аъзоси Гулнора Тўхта-назарова. — Муассасамизда асосан ногирон болалар тарбияланади. Уларда меҳнатга интилиш юқори. Бокиманда бўлиш яхши эмаслигини тушунишади. Шу боис биз Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кредит олиб, муассасамизда тикувчилик бўлими ташкил этишни ният қилдик. Кредит олишимиз

мумкинми?

Мазкур савол бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуқаҳҳор Юсупов шундай фикр билдирди:

— Кредит олишнинг тартиби оддий. Ҳисобингиз юритилаётган банкка мурожаат қилинг. Кредит учун гаров қўйиш имконияти бўлмаса, сизга ҳомийлар кафилилик қилиши мумкин. Шунда белгиланган қонун-қоида бузилмаган ҳолда, масала ечим топади. Шунингдек, болалар уйи тар-

кибида шўъба корхона ташкил қилиб, унинг негизда тикувчилик бўлими очиш мумкин.

— Маҳалламизнинг гузари йўқ, — дея мурожаат қилди «Дархон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партия аъзоси Илбасбек Омонкулов. — Хашар йўли билан дастлабки ишларни бошладик. Лекин гузар кўркам ва чиройли бўлишини хоҳлаймиз. Бунинг учун эса маблағ керак. Шу масалани қандай ҳал этиб бўлади?

Депутатлар бу масала

бўйича ҳам тегишли тавсиялар беришди.

Шунингдек, ишга жойлашиш, банк пластик картчасидан фойдаланиб савдо қилиш ишларини тартибга солиш, ўз вақтида берилмаган иш ҳақини олиш каби қатор масалаларда ҳам мурожаатлар бўлди. Фракция аъзолари барча масалалар юзасидан тушунтириш, маслаҳат беришди, электроратни қийнаётган муаммолар бўйича ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишди.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

«Эшигимиз ҳамisha очик»

⇒ 2

Концепция — ёшлар нигоҳида

Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари

⇒ 3

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Эзгуликка интилиб яшаш саодати

⇒ 4

Эътироф

Президент Ислам Каримов томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича қўйилган вазифалар мамлакат иқтисодиёти учун долзарб ва стратегик муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги давлат дастурининг қабул қилиниши, мамлакат раҳбарининг ташаббуси узоқ муддатли ва аниқ натижага йўналтирилганини аниқлади.

Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда, Америка компаниялари ўзбекистонлик шериклари билан биргаликда, хусусан, электротехника, тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат sanoati, биотехнология, нанометаллургия, сайёҳлик ва бошқа кўплаб соҳаларда мазкур дастурни самарали амалга ошириш йўлида ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдиришмоқда.

А.ЛЕВИ,
иқтисодчи (АҚШ)

Хушхабарлар

Жаҳонда иккинчи

■ Парижда дзюдо бўйича ўтган Катта Дубулға халқаро турнирида ҳамюртларимиз жамоавий ҳисобда фахрли иккинчи ўринни забт этдилар.

Дунёнинг 79 мамлакатидан йиғилган полновлар орасида вакилларимиздан Дилшод Чориев, Мирзохид Фармонов, Фармон Қобулов, Уткир Қурбонов, Рамзиддин Саидов, Мирали Шарипов, Абдулло Тангриев каби спортчиларимиз турли вазн тоифасида фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари қолиби ва дунё рейтингига етакчиси Ришод Собиров 60 кг. гача вазн тоифасида АҚШ, Швейцария, Грузия, Мўғулистон, Россиялик рақибларини енгиб олтин медалга сазовор бўлди.

Ёшлар мажмуаси

■ Марғилон шаҳрида «Баркамол авлод» ёшлар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ва туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида бунёд этилган мазкур мажмуа замонавий усулда жиҳозланди. Бу ерда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларининг, маҳалла ёшларининг илмий, техникавий, бадий қобилиятини ривожлантириш, санъатга ва бадий ижодга қизиқишини рағбатлантириш, ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш учун барча шароит яратилди. Мажмуада «уста-шогирд» мактабининг йўлга қўйилиши натижасида ёшлар миллий ҳунармандчилик сирларини ўрганмоқда. Кўркам спорт залида қатор спорт турлари бўйича тўғарақлар иш бошлади.

(ЎЗА)

Кўргазма

■ Москва шаҳридаги санъат ходимлари ижодий марказида Николай Корниловнинг «Менинг Қорақалпоғистоним» номли миллий кўргазмаси очилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағамаси, мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Россия маданият вазирлиги вакиллари, маҳаллий жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакиллари, олим ҳамда журналистлар иштирок этди.

«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари 1678,90
1 Англия фунт стерлинги 2673,21
1 БАА дирҳами 451,21
1 АҚШ доллари 1657,19

1 Миср фунти 279,46
1 Канада доллари 1680,21
1 Хитой юани 252,70
1 Малайзия ринггити 545,94

1 СДР 2591,02
1 Туркия лираси 1046,14
1 Швейцария франки 1738,01
1 Евро 2273,75

10 Жанубий Корея вони 14,98
10 Япония иенаси 201,56
1 Россия рубли 56,34
1 Украина гривнаси 208,62

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмagan.



ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

«Мамлакат тақдирига дахлдормиз!...»

■ Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги бу галги машғулот Республика сугориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти Галлаорол филиалидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотиди бўлиб ўтди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қанотлари аъзолари, ижтимоий шерик ташкилотлар вакиллари қатнашди. Президентимиз илгари сурган Концепция тарғиботиға бағишланган машғулот жонли суҳбат шаклида ўтди. Иштирокчилар мавзу юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини очиқ айтишди.

Қандолат ШОДИЕВА,
«Бахт» маҳалласи худудий партия ташкилоти етакчиси:

— Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўлимизда навбатдаги қадам демек. Уни амалга оширишда иштирок этиш зиммामизга улкан масъулият юклайди. Бу жараёнда сусткашлик, ўзибўларчилик ва лоқайдликка йўл қў-

йиб бўлмайди.

Дилрабо БЕГИМҚУЛОВА,
«Истикбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўлаб-қувватлаш тизими бузилган жойда ижтимоий адолатга путур етади. Бу борада назоратни кучайтириш зарур, токи уларга ажратилган маблағ тўла-тўқис етиб борсин.

Концепциянинг сўзсиз амалга ошиши ҳаёт даражамизни ҳам янги босқичга кўтарди, деб ўйлайман.

Жонсулв НОРБЕКОВА,
«Галлаорол овози» газетаси тахририяти бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Концепция сиёсий билимларим, маънавий-маърифий тушунчаларим қандай, деб ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди, кишини. Бу масалада бугунгидай машғулотларнинг ўрни, аҳамияти катта. Одатда, машғулотга нима-нидир ўрганаман, билмаганимни билиб оламан, деган ниятда келамиз. Афсуски, ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Машғулот ноанъанавий усулларда, жонли мулоқот ва учрашувлар тарзида ўтса, самарали бўлади. Бу галги машғулотиимиз шундай бўлди. Ундан ўзимизга керакли билим олдик.

Ҳабибулла ОДИЛОВ,
Республика сугориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти Галлаорол филиали бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Филиалимиз илмий техник ходимлари томонидан галла ва дуккакли ўсимликларнинг ўнлаб навлари яратилиб, улардан ҳар йили мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. Бунда ташкилотимиз ҳисобидидаги 22 нафар ХДП аъзосининг ҳам ҳиссаси катта. Ташкилотимизда бу каби семинарлар тез-тез бўлиб туради. Бу машғулотлар сиёсий ва ҳуқуқий билимларимизни янада бойитишда катта мактаб бўлмоқда.

Дилбар ЭШБЕКОВА,
тадбиркор:

— Бугун ЎзХДП аъзолик гувоҳномасини олдим. Бу мен учун қувончли, шу билан бирга, зиммамга катта масъулият

юклайди. Энди янада фаол бўлишим, партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда куч-ғайратим, билим ва тажрибамни аямаслигим керак.

Мўътабар КАРИМОВА,
вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари:

— Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими партиянинг дастурий ҳолатларини тарғиб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. 2009-2010 ўқув йилида виллоятдаги шаҳар ва туман кенгашлари томонидан қўлаб машғулотлар ўтказилди. Мавзулар муҳокамаси, баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар тушунчаларни бойитишга хизмат қилди. Муҳими, улар фуқаролар фаоллигини оширишда катта ўрин тутаяпти.

Семинардан сўнг иштирокчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик. Улар тадбир жонли, қизиқарли, энг муҳими, фойдали бўлганини айтишди. Барча тадбирлар ана шундай мазмунли ўтиши зарурлигини таъкидлашди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

«Биз ЎзХДПни танладик»

■ Ифтихор Йўлдошев, Шохруҳ Султонмуродов ҳамда Зуфарбек Бекчонов Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети талабалари. Тарих факультетининг тўртинчи босқичида аъло баҳоларга таҳсил олаётган бу иқтидорли йигитлар айни пайтда жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади.

Улар ташаббускор, изланувчан, давр воқеаларига ўз мустақил фикрини эркин ифода эта олади. Шу боис бу йигитларга тенгдошлари ҳавас қилишади.

Бу уч талаба партия кенгашига келиб, ўз мақсадларини айтишди. — Биз Ўзбекистон халқ демократик партиясига аъзо бўлишни истаймиз. Партия Дастури, низоми билан танишиб чиқдик. Жамиятимизнинг тезкор ривожланиш жараёнида

партия сафиди туриб фаол иштирок этмоқчимиз, — дейишди улар. — Онам ЎзЛиДеП аъзоси, — деди Зуфарбек Бекчонов. — Аммо менинг қарашларим ХДП дастурий мақсадларига мос. Шу боис ХДПни танладим. Олийгоҳни тамомлагач, партия тизимида ишлаш ниятим бор.

— Партиямиз сафиди ёшларнинг кўпаяётгани қувончли, — дейди виллоят партия кенгаши раиси ўринбосари Собирёз Эшчонов. — Яқинда бўлиб ўтган пленумда ана шундай фаол ёшлардан бир гуруҳини партияга қабул қилиб, аъзолик гувоҳномасини топширдик. Бугун йигит-қизлар партия сафидида туриб, жамият ривожини йўлида ҳаракат қилишни истаётгани ёшларимиз демократик янгиланишлар жараёнига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Қолаверса, бу партия фаолларининг тарғибот-ташвиқот ишларини кенг қўламда олиб бораётгани самарасидир.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

«Эшигимиз ҳамиша очиқ»

■ — Оиламиз катта, — дейди кегейлилик Жақсилик Бекбергенов. — Бирин-кетин ўғилларимни уйлантирдим. Энди улардан бирига ер участкаси олиш керак. Шу масалада бироз муаммо туғилди. ЎзХДП Кегейли туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Саъй-ҳаракатим исзис кетмади. Партия фаоллари масалани ечишда кўмак беришди. Йўл-йўриқ кўрсатишди, қонуний йўлларини тушунтиришди. Улардан жуда миннатдорман.

Кегейли туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига бу каби мурожаатлар тез-тез бўлиб туради. Чунки қабулхона эшигини одамлар учун ҳамиша очиқ. Жорий йилнинг ўтган даврида 86 нафар фуқаро турли масалада мурожаат қилган бўлса, уларнинг аксарияти ижобий ечим топди.

— Қабулхонамизга мурожаатларнинг кўп қисми коммунал, транспорт ва тиббий хиз-

матлар, шунингдек, ишга жойлаштиш ва нафақа масаласида, — дейди туман партия кенгаши раиси Еркин Ҳўжанов. — Ҳеч бир илтимос эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бунда туман Кенгашидаги депутатларимизнинг хизмати катта бўлаяпти. Улар режа асосида қабул қилган ташкил этишган. Фуқароларнинг мурожаатларини тинглаб, тегишли ёрдам кўрсатишади.

— Қабулхонага кириб кел-

ганимда навбатчи телефонда гаплашаётган экан, — дейди Арслон Раметов. — У мендан қандай юмуш билан келганимни сўради. Қизимни ишга жойлаштиришда муаммо туғилаётганини айтдим. Масаламиз ижобий ҳал этилди. Ҳозир қизим «Халқобод» шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаяпти. Бундан бутун оиламиз хурсанд.

Халқобод шаҳарчасида истикомат қилувчи Исрол Алимбоев «Аллаяров» номли кўчада ичимлик суви тармоғи ишдан чиққани, бу аҳолига қийинчилик туғдираётгани ҳақида мурожаат қилди. Депутат Пардабой Қурбонназаров бу масала билан шуғулланиб, мутасадди ташкилотлар жалб этилди ва муаммо ўз ечимини топди.

Кўкшайёл овулида яшовчи Ансатбой Полвонов ишга жойлаштишда ёрдам сўраган эди.

У фаоллар кўмағида фермер хўжалиғига ишга жойлашди. Казанкеткен шаҳарчаси аҳолисининг илтимоси ҳам ижобий ҳал бўлди. Депутат Бийсенғалий Қўнғиротбоевнинг елиб-югуриши, саъй-ҳаракати туфайли бу ерда янги технологияли автомат телефон станцияси қурилиши охирига етказилди.

Партия кенгаши туман марказидан 50 чақирим олисдаги Казанкеткен шаҳарчаси, 30 чақирим наридаги Жалпак жап овул фуқаролар йиғинида кўма Жамоатчилик қабулхоналари ишини йўлга қўйган. Улар фаолияти бу ҳудудларда яхши самара берапти. Аҳолини ўйлантираётган масалалар ижобий ҳал этилиб, электротизмиз вакилларининг манфаатлари таъминланмоқда.

— Аммо фаолиятимиздан кўнглимиз тўқ деб айта ола-майман, — дейди туман пар-

тия кенгаши раиси. — Аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб бориб, Жамоатчилик қабулхонаси ишини яхшилаш зарур. Бунинг учун малакали ҳуқуқ-шунослар билан изчил ҳамкорлик қилиш, қабулхоналарни ҳуқуқий, сиёсий адабиётлар билан бойитиш лозим. Қолаверса, фуқаролардан келиб тушган ариза ва таклифлар ичида ижтимоий аҳамияти салмоқли бўлганини халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари, Кенгаш сессиялари кун тартибига қўйиш зарур. Шунда фаолиятимиз янада самарали бўлади. Умуман, Жамоатчилик қабулхоналари ҳақида кўп фикр айтилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш лозим. Бунинг учун эса жиддий эътибор ва амалий ёрдам керак...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хорижда

Кичик Буш Швейцарияга бормайди



АҚШ собиқ президенти кичик Жорж Буш Исроил хайрия жамғармаси Швейцарияда ташкил этган тадбирда иштирок эта олмаслигини маълум қилди.

Бунинг боиси, Европа инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ташриф пайтида собиқ президентга қарши оммавий норозилик намоийшлари ўтказишни режалаштирганлигидир. Маълумотларга қараганда, Швейцария судига Жорж Бушга қарши 2500 дан ортиқ даъво аризаси келиб тушган. Бу унинг аэропортдаёқ ҳибсга олинишига етарли асос бўла олади. Унга қўйилаётган айблардан бири Гуантанамодаги асирларига ноинсоний муносабатда бўлганини масаласидир.

Жанубий Суданнинг янги пойтахти

Жанубий Судан маъмурияти мустақилликни қўлга киритгач, маҳаллий аҳоли янги пойтахт бунёд этишга киришди.

Ҳозирги маъмурий марказ Жуба кўп жихатдан пойтахт талабларига жавоб бермаслиги таъкидланмоқда. Бунга аввало шаҳарнинг географик жихатдан ноқулай ҳудудда жойлашгани рўқча қилинмоқда.

Ҳудудий муаммо авж олмоқда



Камбоджа бош вазири Хун Сен БМТ Хавфсизлик кенгашини Таиланднинг қуролли босқинчилиғига қарши чора қўришга чакирди.

Таиланд билан Камбоджа чегарадош, мана, икки йилдирки, вақти-вақти билан улар ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб туради. 2008 йили ЮНЕСКО расмий Пномпеннинг сўрови билан XI асрга тегишли қадимий ибодатхонани дунё маданий мероси таркибига киритган эди. Таиланд эса



бу қарордан норози бўлди. Чунки ибодатхона чегара аниқ белгиланмаган ҳудудда жойлашган.

Куни кеча камбоджалик чегарачилар мамлакат ҳудудига ноқонуний қираётган Таиланд булдозерларини артиллериядан ўққа тутди. Натижада камида ўн беш нафар ҳарбий ҳалок бўлди. Маълумотларга қараганда бахсли ҳудуддаги қадимий ибодатхона ҳам артиллерия снарядларидан жиддий та-лафот кўрган.

Қор фестивали

Япониянинг Саппоро шаҳрида дунё хаваскор ҳайкалтарошларининг қор фестивали очилди.

Фестивалда моҳир усталар шу ернинг ўзида қор ва муздан турли санъат асарлари ясаб, томошабинларга ҳавола этади. 1950 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбир аллақачон анъана тусига кирган. Унда иштирок этиш учун ҳар йили миллионлаб сайёҳлар Японияга ташриф буюришади.



Сиёсий партия Сайловолди дастурида илгари сурган ҳолатлар парламент Қонунчилик палатасига сайланган депутатлари савй-ҳаракатлари, ташаббуслари билан қонунчиликда акс этади. Шу боис, ЎзХДП депутатлари ҳар бир қонун лойиҳасини синчиклаб ўрганиб, уларга партия электорати манфаатларига мос таклифлар киритишга ҳаракат қилишмоқда.

Мақсад ва интилишлар, ташаббуслар

қўллаб-қувватланиши зарур

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Андижон виллоят партия ташкилоти пленумида мазкур вазифаларни бажаришда партия ташкилотининг амалий иштироки масаласи муҳокама қилинди. Қатнашчилар кун тартибидидаги масала юзасидан фикр билдиришди.

— Бу борада тегишли Ҳаракат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди, — деди Асака шаҳар партия кенгаши раиси Мўйдинжон Дадажонов. — Дастур лойиҳасида партия ташкилотлари олдида муҳим вазифалар қўйилди. Уларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг изчил ҳамкорлиги яхши самара беради.

— Аҳолининг асосий қисми маҳаллаларда истикомат қилади, — деди «Маҳалла» жамғармаси виллоят бўлими раиси, партия фаоли Икромиддин Валиев. — Уларга Концепция мазмун-моҳиятини атрофлича тушултириш ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга асос бўлади. Бунинг учун партия ташкилотлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлаши зарур.

Пленумда Концепциянинг асосий қоидалари партия электорати манфаатларига мос келиши, шу боис унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотининг ўзига хос ўрни бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Сурхондарё виллоят партия ташкилоти пленумида ҳам шу масала кўриб чиқилди.

— Пленумда таъкидландики, Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига кўп жихатдан боғлиқ. Бунинг учун, аввало, одамларнинг дунёқараши, ҳаёт ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш лозим. Бу ишга виллоят партия ташкилоти муносиб ҳисса қўшиши зарур.

Пленумда йўл қўйилган камчиликларга танқидий ёндашилди.

Ўтган даврда виллоят Кенгаши сессияларида депутатларимиз томонидан талай масалалар кўтарилди. Улар-

нинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди. Аммо эришилган натижалар етарли эмас. Бойсун, Сарисийё, Термиз, Шеробод ва Қизирқ туманларидан сайланган депутатлар фаолияти талаб даражасида эмас. Мазкур туманлар сессияларига депутатлик гуруҳлари жиддий бир масала киритмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Йиғилишда бу каби камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Концепциянинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушултириш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ташкил этишга оид режа ишлаб чиқилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Шахрисабз туман партия ташкилотининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз илгари сурган Концепцияни амалга оширишда виллоят партия ташкилотининг Ҳаракат дастури ижросини таъминлашга оид масала муҳокама этилди.

Шунингдек, касаначиликнинг турли шаклларида банд бўлган кишиларни ижтимо-

ий сугурталаш ва ижтимоий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш бўйича ўзаро фикр алмашилиб, тегишли чоралар белгилан олинди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Шерзод Исмолов туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

Музаффар ТУРОПОВ

Концепция — ёшлар нигоҳида

Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари янада кенгаяди

■ Тадбиркорликини ривожлантириш, унинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат-марказида. Чунки тадбиркорлик негизида иқтисодиёт соҳасидаги устувор мақсадларни амалга ошириш, халқимиз турмушини яхшилаш, янги иш ўринлари очиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисод, бизнес, менежмент, банк ва молия соҳаларида замонавий технологияларни ўзлаштириш каби улугвор мақсадлар ётади.

Юртбошимиз тадбиркорликини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини ҳар доим таъкидлаб келади. Чунки халқаро ва миллий қонунчилик тажрибаси тадбиркорларга, аввало, эътибор кераклигини, давлат бу соҳада кучли сиёсат юритса, уларга амалий ёрдам берса, бу яхши самара беришини кўрсатади.

Халқимиз учун тадбиркорлик янги тушунча эмас. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан турли касб-хунар билан шуғулланиб келган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қонунчилик соҳаси-

да бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси тадбиркорлик фаолиятини янада омма-лаштириш ва шу асосда халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Шу ўринда савол туғилади: тадбиркорлар учун шунча имконият, шарт-шароит яратилган экан, бундан давлатга, халққа не наф? Бунга жавоб топиш учун дунёга машҳур бир неча шахсни санаб ўтмоқчиман. Швеция фуқароси Ингвар Кампрад, ҳиндистонлик Лакшми Миттал, германиялик Карл Албрехт... Бекорга ҳар бирининг номини давлати номи билан қўшиб айтмадик. Улар тадбиркорлик туйғайли дунёга танилган, давлатини

машҳур қилган. Неча минг кишини иш билан таъминлаган. Мана, фойдаси қаерда!

Бугунги кунда тадбиркорлик бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳаммаси келажак учун пойдевордир. Шунинг билан қўйишимиз керакки, инсон соғлиги ҳар доим бир хилда бўлмагани каби, давлатнинг аҳволи ҳам бир меъёрга бўлмайди. Шу маънода, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз тутаётган йўл — энг тўғри йўл. Узоқни кўзлаган режанинг асосий мақсади: давлат тадбиркорларни оёққа қўйса, тадбиркорлар давлатимиз олдида қўйган мақсади, яъни озод ва обод Ватан қуришда ўз ҳиссасини қўшади, мамлакатга таянч бўлади.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тадбиркор учун сув ва ҳаводек зарур бўлган қўйидаги фикрларни бежиз айтгани йўқ: **«Ҳар бир тадбиркор, аввало, шунинг аниқ равшан бўлиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг**

ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эғалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.»

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда хусусий мулкка берилаётган кафолатларни мустаҳкамлашнинг қатор муҳим шартлари баён қилинди. Жумладан, бугунги кунда тадбиркорликини ортқча тўсиқлардан халос этиш учун янги қонунлар ишлаб чиқиб қабул қилиш, бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни ривожлантириш таклифи илгари сурилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлиги Конституция байрамида ҳам алоҳида таъкидланди. Хусусан, сўнгги йилларда ҳўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси қарийб икки

баробар камайтирилгани ки-чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратаётгани, бунинг самараси ўлароқ, 2000 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи ки-чик бизнес ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 53 фоизга етгани айтиб ўтилди.

Шубҳасиз, 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланиши ва бу борадаги қабул қилинажак Давлат дастури, аввало, тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари янада кенгайтишига ва шу орқали ишбилармонларга қўлай шарт-шароит яратилишига замин бўлади. Бошқача айтганда, бу саъй-ҳаракатлар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириб қолмай, ҳунарни, тадбирли кишиларнинг кўпайишига, фаровонлиқнинг ошишига, пиروардида мамлакатимиз ривожига беқиёс ҳиссасини қўшади.

Обид ХУРРАМОВ,
ТДЮИ талабаси.

Танлов

«Намунали милиция таянч пунктлари»



■ Куни кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг 2010 йилги республика якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда милиция таянч пунктларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлган тинчлик ва осойишталикни сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари меҳнати ҳақида тўхтади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда республикамизда 3551 та милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 70,5 фоизининг атрофида факультатив тўғрақлар, 68,5 фоизининг атрофида кичик бизнес шохобчалари ҳамда 84,8 фоизининг атро-

фида эса вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган.

Профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳам-жиҳатликда фаолият юритишлари-ни таъминлаш, амалий ишларни намунали тарзда йўлга қўйган, ҳар жиҳатдан қўлай ва тўлиқ инфратузилмага эга милиция таянч пунктларини аниқлаш ҳамда уларнинг илгор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда тўртта ҳудуд бўйича биринчи, иккинчи, учинчи ўрин қолиблари, шунингдек, бошқа номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди.

Танлов якунига кўра, Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги «Кўприк-

боши» маҳалласида жойлашган 152-сонли милиция таянч пункти, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги «Тоғлиқ» маҳалласининг 152-сонли МТП, Навоий вилояти, Кармана туманидаги «Малиқ» маҳалласининг 52-сонли МТП, Хоразм вилояти, Хазорасп туманидаги «Ишчилар» маҳалласининг 181-сонли МТПлар биринчи ўринга лойиқ топилиб, қолиблар махсус диплом ва «Матиз» автомашиналари билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбирда танловнинг иккинчи ва учинчи ўрин қолиблари аниқланиб, «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси», «Ташаббускор маҳалла посбони», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Фаол маърифатпарвар маслаҳатчи» каби номинациялар совриндорларига ҳам мукофот ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Жиноятга жазо муқаррар

Бефарқ бўлманг, одамлар

Сурхондарёда одам савдоси ва фоҳишалик билан шуғулланган жиноий тўда фош этилди

■ Одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолардан биридир. Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 200 миллион киши мазкур ноқонуний савдонинг қурбонига айланмоқда. «Хорижда ишлайман, мўмай пул топаман», деган ҳавою ҳавасга берилиб, гараз ниятли кимсаларнинг алдов тўрига тушиб, турли қийинчиликларга гирифтор бўлишмоқда. Энг ачинарлиси, ўзгаларни таҳқирлашни касб қилган манфур тўдалар чиркин мақсад йўлида энг тубан ишлардан ҳам қайтмапти.

Сурхондарёлик Зулайхо Реджепова, Насиба Аннакулова, опа-сингил Соҳиба ва Зарифа Жўраева шундай кимсалардан экан. Бу уюшган ғруҳ бир неча йиллар давомида одам савдоси ва қўшмачилик билан мунтазам шуғулланиб келган. 2009 йилнинг баҳорида Термизга борган жарқўргонлик Нигора Абдуллаева (**жабрланувчиларнинг исм-шарифлари ўзгартирилган**) юмушларини битиргунча кеч тушиб қолди. Табиийки, тунашга жой қидиришга тўғри келади. Шунда бир хайдовчи унга шахар марказидаги «Юбилей» бозори атрофида кўп қаватли уйлارда жой бўлишини айтди.

...Хонадон бекаси Зулайхо Реджепова ўз оёғи билан келган «ўлжа»ни яхши кутиб олади. Дастурхон тузаб, меҳмон қилади. Суҳбат асносида аёл Нигоранинг оилавий шароитини суриштиради. Ўзиникида бир неча қизлар борлигини, агар хоҳласа, унга ҳам иш топиб беришини айтди. Шу тариқа уни бир танишининг болаларига анағалик қилишга кўндирди.

Эртасига улар термизлик Насиба Аннакулованикига боради. Шўрлик қиз бу ерда ўзини нималар кутаётганидан бе-хабар эди. Яхши иш ва даромад ваъда қилган тубан аёл уни аллақачон сотиб юборганини қаяқдан билсин?..

— «Қаттиқ адашдим, — дейди ўз кўрсатмасида Нигора Абдуллаева. — Ўн саккиз ёшда ҳаётим чилпарчин бўлди. Насиба опа ўша куннинг ўзидаёқ телефон орқали бир неча кишини уйига тақлиф қилди. Ифлос, нахс босган уйда беш кун яшадим. Уй бекаси ҳар бир мижоздан 45 минг сўмгача пул оларди. Кўчага чиқишга рухсат йўқ, эшик-деразалар маҳкамланган. Турли қийноқ ва таҳқирлашлар жонимдан тўйдирди.

2009 йилнинг 16 апрелида ҳуқуқ-тартибот ходимлари уйга келишади. Бека уларни чалғитиш мақсадида турли баҳоналар излай бошлайди. Укаси Акмалга кўнғироқ қилиб, тезда етиб келишини сўрайди. Чойшаб ёрдамида учинчи қаватдан пастга туширилган қизни Акмал Жарқўргонга олиб бориб ташлайди...

Кимларнинг чангалига тушиб қолгани, бу ерда хор-зор бўлиб кетишга кўзи етган Нигора ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишга қарор қилди. Суриштирув давомида Насиба Аннакулова гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ва сотишни ҳам касб қилгани аниқланди. Унинг хонадонидан 45,39 грамм «оқ оғу» топилди.

Деновлик опа-сингил Соҳиба ва Зулайхо Жўраевалар ҳам 2008-2009 йил-

ларда қизларни фаҳш ишларга мажбурлаш билан шуғулланиб келган. Разолат ботқоғига ботган бу кимсалар ўтган йили тошкентлик Лола Олимовани «ўлжа»га олишади.

Пойтахт ошхоналаридан бирида ишловчи Лола ёз ойларида сурхондарёлик Нурхон исмли аёл билан танишади. Чакқон ва келишган қиздан жирканч мақсадда фойдаланишни кўзлаган аёл уни ўз ошонасига ишга тақлиф қилади. Катта маблағ дарагини эшитган Лола алдов тўрига илланади.

Жарқўргонга келгач, вазият бирдан ўзгаради. Қизнинг фуқаролик паспорти тортиб олиниб, ўзи танафурушликка мажбур этилади. Ор-номуси, шаъни, ҳуқуқи поймол этилган Лола икки ҳафтача шу уйда қолиб кетади. Июль ойининг охирида эса Нурхон уни 95 минг сўмга Денов шаҳрида яшовчи Соҳиба Жўраевага пуллаяди.

— Мен борганимда у ерда беш нафар қиз бор эди, — дейди суддаги қўрсатмасида Лола Олимова. — Қизларнинг ҳар бирига 100-160 минг сўмгача пул тўлана экан. Бу «ер» аввалгисидан ҳам баттар эди. Уй эгаси учун қизларнинг ҳақ-хуқуқи, қадр-қиммати қақчага ҳам эризмасди. Пул ишла, «меҳмон»ларнинг кўнглини овла, шунга мажбурсан, деган таънаю дашномлар сўякдан ўтиб кетганди. Сентябрь ойи бошларида бир илож қилиб уйдан қочдим ва зудлик билан мизасадди идораларга мурожаат қилдим. Ўша қора кунлар менга бир умрлик сабоқ бўлди. Қизларга пул учун алданмасликни, нотаниш кимсаларнинг гаliga учиб, умрини ҳазон қилмасликни маслаҳат бераман.

— Ўтган йилнинг ёзларида ота-онамга айтмасдан Шўрчига бордим, — дейди

сариосиёлик Роҳила Шодиева. — Мақсадим ишлаб пул топиш эди. Дугонам Аҳмад исмли йигит билан таништирдим. У билан учрашдим-у, орзуларим саробга айланди. Хуллас, бир-бирига боғланиб кетган занжир тизгини мени Шахло опага рўбарў қилди. Уникида иложсиз икки ҳафтача қолиб кетдим. Паспортиمنى йўқлигидан фойдаланган бека, мендан бир буюмдек фойдалана бошлади. Уйига қайтишни ҳам, ифлос ишга қўниқимни ҳам билмасдим. Август ойининг бошларида эса у мени Деновга олиб борди...

Опа-сингил Жўраевалар Роҳилани 160 минг сўмга сотиб олишади. Соҳиба ва Зарифа уни яна танафурушликка мажбур қилишади. Гапларига кирмагач, жисмоний қийноққа солишади.


— Ҳеч ким ҳаётида адашмасин экан, — дейди жабрланувчи. — Энди ота-онамининг юзига қандай қарайман? Қариндош-уруғларига нима дейман?

Хуллас, адашган қизлардан даромад манбаи ўрнида фойдаланган жиноий тўда қилмиши фош бўлди ва улар суд ҳукми билан тегишли жазо олишди.

— Ёшлар мисоли ниҳол, — дейди психолог Равшан Мирзаев. — Улар ишонувчан, содда бўлади. Яхши билан ёмонни ажратиб ололмайди. Ўқоридаги салбий ҳодисаларнинг асл моҳияти ҳам шунда. Оилада фарзандлар, айниқса, қизлар тарбиясига алоҳида эътибор бўлса, улар нопок кимсаларнинг гаliga учиб, алданиб қолмайди. Бунинг учун биринчи галда оналарнинг масъулигини ошириш лозим. Яна бир мулоҳаза: ота-она фарзандига бефарқми, унинг тарбиясига дарз кетади. Шундай экан, фарзандларимиз тақдирини ёмонлар қўлига тутқазиб қўймайлик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватан ҳимояси — олий шараф



Тинчлигимиз ишончли қўлларда

■ Бухоролик Достонбек Олимов Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртига келгунича кўнглидаги ҳарбий бўлиш орзуси бир ҳавас эди. Ўқишга келди-ю, Ватан ҳимояси йигит киши учун олий шараф эканини англаб етди. Ҳозир у мазкур таълим масканининг биринчи курсида ўқийди.

— Дастлаб Фарғонадаги

ҳарбий академик лицейда касб қўниқмаларини шакллантирдим. Отам ҳарбий хизматчи. У кишига ҳавасим келганидан шу соҳани танладим. Ўқиш жараёнида касб эгаллашда адашмаганимга ишонч ҳосил қилдим. Насиб этса, билим юртини тамомлагач, бор куч ва билимимни Куролли Кучларимиз сафида эл-юрт тинчлиги, оила-лар осойишталигини ҳимоя қилишга сарфлайман, — дейди бўлажак офицер.

— Билим масканида кўплаб йўналишлар бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрланади, — дейди билим юрти бошлигининг ўринбосари подполковник Ашуррахмад Қодиров. Миллий армиямизни ҳар жиҳатдан кучайтиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан, бизнинг билим масканида мақсад — ҳар томонлама профессионал офицерлар етиштиришдир. Бу ерда Достонбек сингари йигитлар кўп. Улар Ватан ҳимоясини ўзларининг муқаддас бурчи деб билишади. Курсантларимиз машғулотлардан ташқари, олий ҳарбий билим юртлари ўртасида ўтказиладиган танловларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Кўп йилдан буён билим юртида ишлаб келаямман, — дейди подполковник Шамил Шоҳисломов. — Ўзим ҳам шу ерда таълим олдим. Ўқиниш тугатгач, мустақилликнинг илк йилларида Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилдим. Ҳозир билим юртида кафедра бошлиғиман. Бу ерда яратилган шароит ва имконият ҳар бир ўқитувчи-мураббийдан ўз вазифасига сидқидилан ёндашишни талаб қилади. Ўтган 2010 йил умрбод ёдимда муҳрланиб қолди. Давлатимиз раҳбари камтарона хизматини юксак баҳолаб, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирлади.

Дарҳақиқат, суҳбатдошларимнинг бундай самий юртидаги муҳитни талаб ҳақида, мард ва жасур офицерлар ҳақида ёрқин таассурот уйғотади. Билим масканидаги тартиб-интизом, орасталлик кўнглига ғурур бағишлайди.

Умуман, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртидаги муҳитни талаб ҳақида, мард ва жасур офицерлар ҳақида ёрқин таассурот уйғотади. Билим масканидаги тартиб-интизом, орасталлик кўнглига ғурур бағишлайди.

Абдували ХУДОЁЕРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли 64/51-сонли ЖИЭКнинг Интендантлик ва ҳўжалик бўлими таъминотчиси Қуватов Дилшод Разоқовичга 2011 йил 30 январда берилган № 22,23,24,25,26,27,28 ва 29 рақамли, жами 8 дона расмийлаштирилган ишонч қоғозлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

